

**УМУМИЙ ТУРКИЙ АЛФАВИТ БҮЙИЧА ТАКЛИФЛАР  
ВА ЎРТАБИТИК ЁЗУВ ТИЗИМИ**

*Каримов Бахтиёр Рахманович,  
 Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси  
 Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти  
 этакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор,  
[karimov.bahtiyor@yahoo.com](mailto:karimov.bahtiyor@yahoo.com) +998935655751*

Туркий давлатлар ташкилоти ташкил қилган Умумий туркий алфавит яратиш бўйича комиссияси томонидан тақдим қилинган лойиҳа (**1-Жадвал**) асосан маъқул, лекин баъзи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни таклиф қиласиз:

1) Туркий тилларнинг ҳар бир фонемасига лотин алфавити асосида битта графема киритишни таклиф қиласиз. Ҳозирги лойиҳада битта [æ] фонемасига икки харф – (Ә ә) ва (Ä ä) киритилиши режалаштирилмоқда. Умумий туркий алфавитдаги 34та фонемага ҳар бирiga биттадан графема тўғри келмаса, яъни фонемалар ва графемалар орасида изоморфизм, яъни бирга бир мос келиш мавжуд бўлмаса, туркий тилларнинг ахборот ресурсларини рақамлаштириш жараёнида автоматик тарзда бехато транслитерация ва бехато транскрипцияга қилиш имкони бўлмайди ва барча матнларни инсон қўшимча текшириб чиқиши зарурати пайдо бўлади.

2) Лойиҳада ўзбек тилида мавжуд бўлган [ө] фонемасига графема мавжуд бўлиши режалаштирилмаган. Ушбу [ө] фонемаси ўзбек тилининг “Ота, Ota”, (“Ота юрт, Ota yurt”) ва “Она, Ona” (“Она Ватан, Ona Vatan”) каби фундаментал сўзларида ишлатилади ва бу сўзлар бошқа туркий тилларда “Ата, Ata” ва “Ана, Ana” шаклида ишлатилади. Бу сўзларнинг тўғри талаффузи учун умумий туркий алфавитнинг фонемалари тизимиға [ө] фонемасини қўшишни ва уни (Ä ä) графемаси билан ифодалашни таклиф қиласиз. Шунинг натижасида, умумий туркий алифбодаги графемалар (ва фонемалар) сони 34 тадан 35 тагача кўпаяди. Шундай қилинса Умумий туркий алфавитда 35та фонеманинг ҳар бирiga биттадан графема тўғри келадиган бўлади, яъни фонемалар ва графемалар орасида изоморфизм, яъни бирга бир мос келиш бўлади. Ушбу изоморфизм туркий тилларнинг ахборот ресурсларини рақамлаштириш жараёнида автоматик тарзда бехато транслитерация ва бехато транскрипцияга қилишга имкон беради ва шу нуктаи назардан фундаментал аҳамиятга эга. Умумий туркий алфавит тизимида ушбу (Ä ä) графемаси (A a) графемасидан сўнг жойлаштирилишини таклиф қиласиз.

3) Юқоридаги икки таклиф қабул қилинса Умумий туркий алфавит 35 графемадан ва уларга изоморф мос келадиган фонемалардан иборат бўлади. Лотин алфавити асосидаги шундай изоморфизми мавжуд бўлган Умумий туркий алфавитни ўртабитик ёзув тизими шаклида давом эттиришни таклиф қиласиз. Ўртабитик ёзув тизимида 35 фонема учун 35 тадан изоморф мос келадиган графемалар тўрт ёзув тизими асосида тузилади: 1) лотин алфавити асосида; 2) кирилл алфавити асосида; 3) араб алфавити асосида; 4) ўрхун-энасой ёзуви асосида (**2-Жадвал**).

Хозирги замонда туркий тилларда тузилган матнларнинг мутлоқ кўпчилиги шу тўрт асосдаги алфавитларнинг бирида мавжуд ва ўртабитик ёзув тизимида компьютер транслитерация ва транскрипция дастурлари воситасида матннинг қолган уч бошқа асосдаги алфавитлардаги варианtlари автоматик транслитерация орқали бехато шакллантирилади ва айни вақтда бехато транскрипцияси ҳам автоматик тарзда шакллантирилади. Туркий тилли инсон матнни қайси алфавитда ўқишни истаса ўша алфавитда ўқишга имкони бўлади ва у матнни ўзининг кўникмаларига мос алфавитда ўқийди. Туркий тилларнинг умумий 35 фонемасидан ҳар бир туркий миллат тилида муайян миқдордаги ва таркибдаги фонемалар тизими бўлади. Ушбу туркий тил ўз алфавитида шу фонемаларга тегишли графемалардан фойдаланади. Ҳар бир туркий миллатда ўзининг устувор алфавити бўлади ва ушбу алфавитда таълим тизими ташкил қилинади, китоблар нашр қилинади, оммавий ахборот воситалари ишлайди, иш юритиш олиб борилади. Барча ушбу маълумотлар рақамлаштириш натижасида электрон файллар шаклида ҳам мавжуд бўлади ва автоматик тарзда тегишли бошқа алфавитларда ҳам шакллантирилиши мумкин бўлади. Айни вақтда Туркий тамаддуннинг бутун мероси ва ахборот ресурси аждодларимиз ўзи яратган ўрхун-энасой ёзуви асосидаги алфавитда ҳам мавжуд бўлади.

**1-Жадвал**

<b>№</b>	<b>Lotin alfaviti asosidagi grafemalar</b>	<b>Fonema-larning xalqaro transkriptsiyasi</b>
1	Aa	[a]
2	B b	[b]
3	C c	[dʒ]
4	Ҫ ҫ	[tʃ]
5	D d	[d]
6	E e	[e]
7	Ө ө, Ää	[æ]
8	F f	[f]
9	G g	[g]
10	Ӯ Ӯ	[w]

11	H h	[h]
12	X x	[χ]
13	I i	[u]
14	İ i	[i]
15	J j	[ʒ]
16	K k	[k]
17	Q q	[q]
18	L l	[l]
19	M m	[m]
20	N n	[n]
21	Ñ ñ	[ŋ]
22	O o	[o]

23	Ö ö	[ø]
24	P p	[pl]
25	R r	[r]
26	S s	[s]
27	Ş ş	[ʃ]
28	T t	[t]

29	U u	[u]
30	Ū ū	[ʊ]
31	Ü ü	[ʏ]
32	V v	[v]
33	Y y	[j]
34	Z z	[z]

## 2-Жадвал

№	Лотин алфавити асосидаги графемалар	Фонемаларнинг халқаро транскрипцияси	Араб алфавити асосидаги графемалар	Кирилл алфавити асосидаги графемалар	Ўрхуненисей алфавити асосидаги графемалар
1	Aa	[a]	'	Aa	Ճ
2	Ää	[ø]	ī	Ää	Ӆ
3	B b	[b]	ւ	Б б	Ӯ
4	C c	[dʒ]	ڦ	Ж ж	ڙ
5	Ç ç	[tʃ]	ڦ	Ч ч	ڦ
6	D d	[d]	ڏ	Д д	ڏ

7	E e	[e]	إ	E e	Ҽ
8	Ө ө	[æ]	أ	Ө ө	Ԇ
9	F f	[f]	ف	Փ Փ	Ւ
10	G g	[g]	گ	Ր Ր	Ւ
11	Ğ ڻ	[w]	خ	ڦ ڦ	ڻ
12	H h	[h]	ه	H h	ڻ
13	X x	[χ]	څ	X x	ڦ
14	I ى	[w]	اًي	ي ى	ڦ
15	İ i	[i]	إِي	ي ى	ڦ
16	J j	[ʒ]	ڙ	ڇ ڇ	ڻ
17	K k	[k]	ڭ	K k	ڻ
18	Q q	[q]	ق	ڇ ڇ	ڻ
19	L ل	[l]	ل	ل ل	ڻ
20	M م	[m]	م	M م	ڻ
21	N ن	[n]	ن	N ن	ڻ
22	Ñ ñ	[ŋ]	ڙ	ڻ ڻ	ڻ
23	O o	[o]	ئُو	O o	ڻ

24	Ö ö	[ø]	ئۈ	Ө ө	ئ
25	P p	[pl]	پ	П п	پ
26	R r	[r]	ر	Р р	ڭ
27	S s	[s]	س	С с	ى
28	Ş ş	[ʃ]	ش	Ш ш	ڭ
29	T t	[t]	ت	Т т	ڭ
30	U u	[u]	ئۈ	Ү ү	ئ
31	Ü ü	[ʊ]	او	ۈ	ئ
32	Üü	[Y]	او	ۈ	ئ
33	V v	[v]	و	В в	ئ
34	Yy	[j]	ي	Й й	ئ
35	Z z	[z]	ز	З з	ئ
36	0		0	0	0
37	1		1	1	1
38	2		2	2	2
39	3		3	3	3
40	4		4	4	4
41	5		5	5	5
42	6		6	6	6

43	7		7	7	7
44	8		8	8	8
45	9		9	9	9
46	'		'	'	'
47	!		!	!	!
48	@		@	@	@
49	#		#	#	#
50	\$		\$	\$	\$
51	%		%	%	%
52	^		^	^	^
53	&		&	&	&
54	*		*	*	*
55	(		(	(	[
56	)		)	)	]
57	-		-	-	-
58	-		-	-	-
59	+		+	+	+
60	{		{	{	{
61	}		}	}	}

62	[		[		[[
63	]		]		]]
64	:		:		:
65	;		;		;
66	“		“		“
67	‘		‘		‘
68	<		<		<
69	>		>		>
70	/		/		/
71	\		\		\
72	,		,		,